
□ Президент топшириғи билан Хитойдан зарур тиббий техника ва җимоя воситалари олиб келинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига мувофиқ жорий йилнинг 28 март куни республикада коронавирусни кенг тарқалишини бартараф этиш мақсадида Давлатимиз раҳбарининг коронавирусга қарши курашиш учун ажратган маблағлари ҳисобига (27,8 млрд сўм) вирусни аниқлайдиган 200 мингта тест-системаси ҳамда 50 мингта бир марталик бош кийимли җимоя комбинезони сотиб олинди ва җарбий ҳаво кемасида олиб келинди.

Олиб келинган юкнинг умумий оғирлиги 20 га яқин тоннани ташкил этади.

Ушбу махсус рейсда Хитой Халқ Республикаси томонидан берилган 2,5 млрд сўмлик ҳар қил турдаги тиббий буюмлар шаклидаги инсонпарварлик ёрдами ҳам келтирилган.

Бундан ташқари, 31 март куни Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан 16 млрд сўмлик, 3 апрелда эса қўшимча 45 млрд сўмлик тиббий техника ва җимоя воситалари коронавирусга қарши курашиш учун ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олинади ва җарбий ҳаво кемасида олиб келтирилади.

□□Хорижий тажрибани кенг ўрганган ҳолда соғлиқни сақлаш ходимлари учун алоҳида 2 даражали яъни, қизил зонага мўлжалланган махсус комбинезонларни харид қилишга ҳам эътибор қаратилган.

2020-03-31 22:34:34